

ЎЗ ВА ЎЗЛАШМА ҚАТЛАМГА МАНСУБ ОЙКОНИМЛАР (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Давурова Холида Ҳайдаровна

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти
университети мустақил тадқиқотчиси

davurova72@bk.ru

90 989-80-57

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7431170>

Аннотация. Ушбу мақола ўз ва ўзлашма қатламга мансуб ойконимлар ҳақида.

Калит сўзлар: лексика, апеллятив, қатлам, топоним, микротопоним.

Ойконимларнинг тарихий-лисоний таҳлилини амалга ошириш учун биринчи навбатда, Жиззах вилояти ҳудудидаги тарихий ойконимларни тўплаш, уларнинг луғавий-маъновий хусусиятлари, номланиш мотивига кўра турлари, ясаши ва тузилиши бўйича таҳлил қилиш муҳим аҳамият эга. Тарихий ойконимларнинг тузилишига кўра қайси тил элементларидан ташкил топганлиги ва қайси тилдан кириб келганлигини ҳам аниқлаш тарихий-лисоний таҳлилнинг асосини ташкил этади.

Жой номлари тарихини ўрганишда топоним учун асос бўлган сўзнинг тарихий-генетик нуқтаи назардан қайси тилга мансублигини аниқлаш ва унинг маъносини очиқ бериш муҳим аҳамиятга эга. Жой номлари аниқ бир тарихий даврда пайдо бўлиб, келиб чиқиши, жамият ҳаёти, маълум бир ҳудудда яшаётган ёки қачонлардир яшаган халқлар тили билан чамбарчас боғлиқ. Аниқроқ ифодалаганда, ҳар бир тарихий давр ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ойконимларда ҳам кўриш мумкин.

Жиззах вилояти ҳудудидаги географик номлар тизимига назар ташланса, уларнинг турли тиллар лексикасига оид сўзлардан ташкил топганлигининг гувоҳи бўлиши мумкин. Жиззах вилояти ойконимларини ҳам қайси тилларга мансуб сўзлардан ташкил топганлигига кўра, икки қатламга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ўз қатламга мансуб ойконимлар.
2. Ўзлашма қатламга мансуб ойконимлар.

Ўз қатламга мансуб ойконимлар

Ўз қатламга оид ойконимларга умумтуркий ва ўзбекча сўзлардан вужудга келган жой номлари киради. Жиззах вилояти ойконимияси тизимида ўз қатламга мансуб сўзлар билан аталган ойконимлар асосий ўринни эгаллайди. Бундай ойконимлар ўзида ўзбек тилининг тарихий ҳамда ҳозирги лексикасининг ривожланишини акс эттиради.

Ўз қатламга мансуб ойконимлар турли даврларда яратилган бўлиб, улар асосидаги сўзлар ўз қимматига эга. Кўплаб жой номлари ҳозирги ўзбек тилида фаол ишлатилувчи сўз ва грамматик шакллар орқали ифода этилади. Бундай топонимларга Н. Охунов ўз тадқиқотида Янгиқишлоқ, Сувлиариқ, Сойбўйи, Юқориқишлоқ, Ариқбоши, Учариқ, Тошкўпирик, Жарариқ¹ каби жой номларини мисол сифатида келтирган.

Худди шундай вужудга келган ойконимларни Жиззах вилояти ҳудудида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Оқтепа, Сувлисой (Зомин тумани), Тошлоқ (Шароф Рашидов тумани), Тепа, Олтинкон, Қизилтут (Ғаллаорол тумани), Янгидала (Мирзачўл тумани), Иссиққўл, Яссикечув (Фориш тумани) кабилар шундай ойконимлар ҳисобланади.

Жиззах вилояти ойконимлари тизимида туркий ва умумтуркий сўзлардан ясалган микротопонимлар асосий ўринни эгаллайди. Дала тадқиқотлари давомида тўпланган ойконимларнинг ярмидан кўпи умумтуркий сўзлардан ясалган. Умумтуркий сўзлардан ясалган жой номлари, яъни топонимларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар луғавий маънолари жиҳатидан кўпчиликка маълумлиги билан ажралиб туради. Бунга мисол қилиб қуйидаги апеллятив сўзлар билан ясалган ойконимларни келтириш мумкин:

- “ариқ” сўзи билан боғлиқ жой номлари – Яккаариқ (Ғаллаорол тумани) ва Янгиариқ (Пахтакор тумани);
- “қора” сўзи билан боғлиқ ойконимлар – Қорақишлоқ (Бахмал тумани), Қораёнтоқ (Шароф Рашидов тумани) ва Қорамозор (Зомин тумани);
- “чуқур”, “юқори”, “қуйи”, “ўрта” сўзлари билан боғлиқ жой номлари – Юқори Қўлба, Қуйи Қўлба, Юқори Учма, Қуйи Учма, Ўртабулоқ (Фориш тумани);
- “катта” ва “кичик” сўзлари билан боғлиқ жой номлари – Каттақишлоқ (Бахмал тумани), Каттасой (Фориш тумани) ва Кичиксой (Ғаллаорол тумани);
- туркий этнонимлар билан боғлиқ этноойконимлар – Қипчоқ (Жиззах шаҳри), Қиёт (Фориш тумани), Болғали (Фориш ва Ғаллаорол туманлари), Пучуқой (Янгиобод тумани) ва Калтатой (Бахмал тумани);
- “янги” ва “эски” сўзлари билан боғлиқ жой номлари – Янгиравот, Янгиовул (Зарбдор тумани), Янгиҳаёт (Зарбдор тумани) ва Эскиқишлоқ (Фориш тумани).

¹ Охунов Н. Ўзбекистон топонимияси. – Қўкон, 2005. – Б. 52.

Жиззах вилояти ойконимлари таркибида нафақат ўз қатламга оид жой номлари, балки ўзлашма қатламга доир ойконимлар ҳам учрайди.

Ўзлашган қатламга мансуб ойконимлар

Ўзлашма қатламга мансуб ойконимларга сўғд, форс-тожик, мўғул, араб ва рус тиллари лексикасига алоқадор сўзлар воситаларида ясалган жой номлари киради.

Сўғд тилига хос ойконимлар. Сўғд тилига мансуб ойконимларга Жиззах вилояти ҳудудидаги Жиззах (Вилоят маркази ва шаҳар), Ховатоғ, Варқин, Савот (Янгиобод тумани), Миқ, Пишағар (Зомин тумани), Нўширавон, Вадиган, Новқа, Нушкент (Бахмал тумани), Можрум, Ухум, Фўжак, **Порашт** (Фориш тумани), Муғон, Нахроч (Ғаллаорол тумани) каби жой номларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу ойконимлар маъно ва мазмунини аниқлаш қийин бўлган субстрат жой номлари таркибига киради. Улар қадимий ва ҳозирда ўлик ҳисобланган сўғд тилига оид бўлиб, асл ҳолда ёки қисман ўзгаришлар билан ўтмишда Уструшона давлати таркибида бўлган Жиззах вилоятининг Зомин, Бахмал, Янгиобод, қисман Фориш ва Ғаллаорол туманларида сақланиб қолган. Қуйида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Жиззах – вилоят маркази ва шаҳар номи ҳам ҳисобланади. Жиззах Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, X асрларда Дизак деб аталган. “Диз” қадимги суғд тилида “қалъа, истехком, кўрғон” деган маънони англатган бўлса, “ак” эса кичирайтириш аффикси ҳозирги ўзбек тилидаги -ча қўшимчасига тўғри келади. Демак, Дизак – Жиззах “қалъача” демакдир.

Умуман олганда, – ак қўшимчаси топонимлар ясовчи аффиксдир. Масалан, Бозорак, Хумдонак, Ҳамдонак, Ҳисорак каби ойконимлар ҳам шундай усулда ясалган². “Дизак” атамасининг Жиззах шаклига ўзгаришини С. Қораев “ з, д, ж – товушларининг ўзаро алмашиши ва муносабати топонимда катта аҳамиятга эга. “Дизак” номининг Жиззах шаклини олиши ҳам шу қонуният маҳсулидир” - деб изоҳлаган³.

Вадиган – Бахмал туманидаги қишлоқ. Мазкур ойконим икки компонентли бўлиб, вад (вар) ва ган (кан-кант) қисмларидан иборат. Суғдча “вар (вад)” сўзи аҳоли яшайдиган ва чорва молларини сақлаш учун чор атрофи девор билан ўралган қадимги истехкомларни билдиради. Жой номининг иккинчи қисми ган – кан – кант “қишлоқ” деган маънода қўлланилади. Шундай экан, ушбу топоним “кўрғон қишлоқ” деган маъноларни

² Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Самарқанд, 2007. – Б. 17.

³ Қораев С. Топонимика. – Тошкент, 2006. – Б. 220.

англатади⁴. Қишлоқ номининг илк шакли Ватихон бўлиб, суғд тилини ўрганган А. Л. Хромовнинг ёзишича, Ягноб водийсида Ватихон деган топоним мавжуд. У ягнобликлар (қадимий суғд) тилида “ёзги яйловда яшайдиган жой” маъносини билдиради⁵.

Нўшкент – Бахмал туманидаги қишлоқ. Ушбу қишлоқ С. Қораевнинг ёзишича, ўрта асрларда Уструшонанинг ғарбий қисмидаги Нужкат шаҳри ўрнида жойлашган. Қадимий суғд тилида “нуж” – “гўзал”, “гулдор”, “ялтироқ”, “кат (кент)” – “шаҳар ёки “қишлоқ” маъносини беради. Ҳозирги Нўшкент номининг илк шакли гўзал шаҳар ёки қишлоқ маъносидаги Нужкат⁶ кўринишда бўлган.

Қишлоқ номи таркибидаги “нўш” сўзи ҳозирги замон форс-тожик тилидаги “нўшидан (ичмоқ)” феълининг асосидир. Ойконимни ушбу сўзнинг маъносига асосланиб, ариқ ёки дарё бўйидаги қишлоқ деб талқин қилиш илмий жиҳатдан асосли эмас. Нўшкент билан Навкат номлари – маънодош бўлиб, ҳар иккисини ҳам янги кўрғон кўринишида изоҳлаш мумкин⁷.

Муғон – Ғаллаорол туманидаги қишлоқ номи. Ушбу топоним суғд тилидан олинган бўлиб, муғлар, оташпарастлар деган маънони англатади⁸.

Форс-тожик тилига хос ойконимлар. Жиззах вилояти ойконимиясида ҳам кўплаб форсча-тожикча ойконимларни учратиш мумкин. Бу табиий ҳолдир, чунки ўзбеклар билан тожиклар қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб, ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларда бўлиб келган. Бундай муносабатлар икки халқ тарқалган ҳудуднинг жой номлари тизимида ҳам ўз аксини топган. Масалан, тожиклар билан ўзбеклар аралаш яшайдиган Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари, шунингдек, Фарғона водийсининг айрим туманларида форсча-тожикча топонимлар салмоқли ўринни эгаллайди.

Н. Охунов “Ўзбекистон топонимияси” деб номланган китобида “об”, “жўй”, “деҳ”, “осиё”, “рўд”, “санг”, “рег” форс-тожикча сўзли топонимларга Сиёб (Самарқанд шаҳри ва Чуст тумани), Дуоба (Шўрчи тумани), Жўйдам, Чоржўй, Денов, Дебола, Сариосиё, Галаосиё (Сурхондарё вилояти), Шаҳррўд, Лабирўд (Бухоро шаҳри), Сангистон, Регистон (Янгиқўрғон тумани ва Самарқанд шаҳри)⁹ каби жой номлари мисол қилиб келтиради.

⁴ Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Б. 10–11.

⁵ Хромов А. Л. Очерки по топонимии и микропонимии Таджикистана. – Душанбе: Ирфон, 1975. – С. 85.

⁶ Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент, 2005. – Б. 74.

⁷ Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – Б. 185.

⁸ Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Б. 36.

⁹ Охунов Н. Ўзбекистон топонимияси. – Б. 52–53.

Ўз ўрнида шуни қайд этиш керакки, форс-тожик тилига оид ойконимлар Жиззах вилояти ҳудудида ҳам анча кенг тарқалган. Бундай жой номлари қаторига Жўлангар (Янгиобод тумани), Дуоба (Зомин тумани), Заргар (Ғаллаорол тумани), Латтабанд, Тағоб, Сангзор (Бахмал тумани), Гараша, Чорвоқ (Фориш тумани), Танги (Шароф Рашидов тумани), Наврўз (Пахтакор тумани) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Қуйида форс-тожикча сўзлар билан шаклланган ойконимларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз: Дуоба – Зомин туманидаги қишлоқ. Ойконим форс-тожик тилига хос бўлиб, ду – “икки”, об – “сув” қисмларидан иборат. Дуоба – “икки сув қўшилган ерда жойлашган қишлоқ” маъносини англатади¹⁰.

Гараша – Фориш туманидаги қишлоқ. “Гараша” форсча сўздан олинган бўлиб, ушбу ойконим гара (қора) ва ша (сой) қисмларидан иборат. Форс тилида қора сўзи кара, гара тарзида, сой сўзи эса чай, шай, ша тарзида қўлланилган. Қорасой сўзи карачай – гарашай – гараша шаклларида ишлатилмоқда. Шундай экан, Гараша – “қора сой” деган маънони ифодалайди¹¹.

Сангзор – Бахмал туманидаги қишлоқ, маҳалла ва дарё номи. Топоним “санг” ва “зор” қисмлардан ташкил топган. Сангзор тожик тилида санг – тош, зор – кўп, яъни тош кўп жой, тошзор, тошлоқ маъносини беради. Маҳалла жойлашган ҳудуддан Сангзор дарёси оқиб ўтади ва маҳаллага унинг номи берилган, яъни Сангзор дарёси соҳилида жойлашган маҳалла¹² деган маънони англатади.

Араб тилига хос ойконимлар. Ушбу тилдан кириб келган ойконимларнинг пайдо бўлиши араблар истилоси билан боғлиқ. Улар ислом дини билан бирга кўпгина топонимларни ҳам ўзлари билан бирга вилоят ҳудудига олиб келган. Ҳозирда ойконимлар таркибида учрайдиган мазор, маҳалла, равоат, қўрғон каби сўзлар аслида араб тилидан ўзлашган. Жиззах вилояти ҳудудидаги Аламли, Жума (Ғаллаорол тумани), Работ (Шароф Рашидов тумани), Хулкар, Талли (Зомин тумани), Мавтин (Бахмал тумани), Истиқлол (Дўстлик тумани) ва бошқа ойконимлар араб тили сўзлари асосида пайдо бўлган.

Работ – қадимий қишлоқ. Ушбу номнинг работ, раבוד шакллари ҳам бор. Қишлоқ номи араб тилида ҳовли, қўрғон маъносини англатади. Ўрта асрларда шаҳарларнинг савдо ва ҳунармандчилик дўконлари жойлашган

¹⁰ Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Б. 14.

¹¹ Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Б. 11.

¹² Ҳакимов Қ. М. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах: Сангзор, 2014. – Б. 28.

қисмини ҳам равоат деб аталган. Кейинчалик карвон йўли ёқасида қурилган ва карвон тўхтаб ўтадиган жой, меҳмонхона ҳам шундай юритилган. Шу сабабдан ушбу географик атама Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистон ҳудудларида кенг тарқалган. Ўзбекистон ҳудудида VII–VIII асрлардан бошлаб равоатлар қурилган бўлиб, улар кўпинча шаҳар ташқарисида бунёд этилган. Йирик қишлоқлар ёнида, бозорлар атрофида, савдо йўлларидаги бекатларда ҳам равоатлар қурилган. Қўрғон тузилишидаги иншоотлар бор жой ёки қишлоқ Равоат деб аталган¹³. Вилоятнинг Шароф Рашидов, Зомин, Фориш, Ғаллаорол ва Зарбдор туманларида ҳам Равоат номи қишлоқлар мавжуд.

Талли – Зомин туманидаги қишлоқ. “Талли” ойконимининг ўзаги “тал” – арабча сўз бўлиб, тепалик, ўтли тепа деган маънода қўлланилади. “Талли” сўзи иштирокида бошқа жой номлари ҳам ясалган. Масалан, Ғаллаорол туманидаги Таллисой ойконими худди шундай маънони англатади¹⁴.

Ҳулкар – Зафаробод туманидаги қишлоқ. “Ҳулкар” араб тилидан олинган сўз бўлиб, савр юлдузи туркумида жойлашган тарқоқ юлдуз тўдаси номи англатади. Тўдада тахминан 540 та юлдуз бор. Қишлоқ номи ушбу юлдуз тўдаси номидан олинган¹⁵.

Истиқлол – Дўстлик, Пахтакор ва Зомин туманларидаги қишлоқ. “Истиқлол” янги лексемаларга хос ойконим бўлиб, у араб тилидан ўзлашган. Унинг ўзбек тилидаги оддий маъноси – озодлик, мустақиллик, эркин бўлишдир.

Истиқлол атамаси Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августда эришган мустақиллиги, ундан кейинги ҳаёти ва фаолиятини ифодалайди. Ўзбек халқи ҳаётидаги ушбу буюк воқелик шарафига мазкур аҳоли пункти Истиқлол деб аталган¹⁶.

Мўғул тилига хос ойконимлар. Мўғул тилига хос жой номларининг пайдо бўлиши XIII асрда ҳозирги вилоят ҳудудига бостириб келган мўғул истилочилари билан боғлиқ. Ўз ўрнида шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Жиззах вилояти ойконимияси таркибида мўғулча номлар кам учрайди. Бунга мўғулларнинг маҳаллий халқ билан аралашиб, уларнинг дини ва тилини қабул қилиши сабаб бўлгандир. Ҳозиргача мавжуд бўлган Ёмчи, Тўқай (Фориш тумани), Ём, Жалойир, Найман (Зомин тумани), Мўғол (Бахмал тумани), Кўтал (Ғаллаорол тумани), Сарой (Бахмал, Фориш ва

¹³ Ҳакимов Қ. М. Жиззах вилоят топонимлари. – Б. 65.

¹⁴ Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Б. 49.

¹⁵ Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Б. 77.

¹⁶ Ҳакимов Қ. Жиззах вилояти топонимлари. – Б. 58.

Ғаллаорол туманлари) каби ойконимлар мўғул тилидан олинган. Қуйида худди шу сўзлардан шаклланган ойконимларни кўриб чиқамиз:

Сарой – Бахмал, Фориш ва Ғаллаорол туманларидаги қишлоқ, маҳалла ҳамда ўзбек халқи таркибига кирган йирик қабилалардан бирининг номи. Сарой қабиласи ўз навбатида оқсарой, қирғизсарой, кўнғиротсарой, можарсарой, наймансарой, қипчоқсарой, чемсарой каби тармоқларга бўлинади. Шароф Рашидов туманидаги Саройлик қишлоғининг номи ҳам ушбу қabila билан боғлиқ бўлиб, саройлик, сарой қабиласи вакили деган маънони англатади¹⁷.

Жалойир – этноойконим, ўзбек, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқлар таркибига кирган қabila номи. XII аср охири – XIII аср бошларида жалойирларнинг катта қисми Еттисув ва Мовароуннаҳр таркибидаги вилоятларга кўчиб келиб, маҳаллий халқ таркибига қўшилиб кетган¹⁸. Вилоятнинг Зомин туманида Жалойир қишлоғи мавжуд бўлиб, бу этнонимнинг жой номига ўтганлигини англатади.

Ёмчи – Фориш туманидаги қишлоқ. “Ёмчи” мўғул тилидан олинган атама бўлиб, қадимги алоқа бўлимлари (почтахона) – ёмларга хизмат қилган кишилар ёмчи деб аталган. Ўз навбатида, сарой қабиласининг бир уруғи ҳам ёмчи (жомчи) деб аталган. Кишининг касб-корини ифодаловчи сўздан жой номи пайдо бўлган¹⁹. Қадимги мўғул тилида йам/зам – йўл, почта бекати, бекат маъносида қўлланилган. Босқинлардан сўнг мўғуллар Марказий Осиё ҳудудлари ўртасида алоқа ўрнатиш мақсадида бекат ва отхоналар ташкил қилган. Жумладан, мўғул хони Угедейхон кўплаб бекат ҳамда ёмлар қурдирган ва бу иши билан фахрланган ҳам.

Мўғуллардан кейин ҳам ёмларга эҳтиёж бўлганлиги сабабли улар ҳозир ҳам сақланиб қолган. XII–XVI асрларда ўзбек тилида ёмхона – элчи ва чопарларнинг от алмаштириш жойи, отлар сақланадиган сарой, ём оти – чопар оти, ёмчи – ёмхонада хизмат қилувчи шахс. Ўзбек тилида от миниб чопарлик қилувчи, отда хат-хабар етказувчи, от қўшилган арава ҳайдовчиси ҳам ёмчи деб аталган. Хизмат туридан лақаб қўйилган, лақаб эса жой номига айланган²⁰.

Рус тилига хос ойконимлар. Рус тили лексикасига доир сўзлар ёрдамида ясалган жой номлари XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олинишидан кейин пайдо бўла бошлаган. Ўз ўрнида шунини ҳам таъкидлаш жоизки, русча жой

¹⁷ Ҳақимов Қ. Жиззах вилояти топонимлари. – Б. 49.

¹⁸ Ҳақимов Қ. Жиззах вилояти топонимлари. – Б. 92.

¹⁹ Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Б. 17.

²⁰ Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Б. 101.

номлари турли сабаблар билан вужудга келган. Масалан, Жиззах вилояти ҳаритасида мавжуд бўлган Обручево (Даштобод тумани), Ломакино (Зарбдор тумани) каби темир йўл станциялари рус ҳукумати раҳбарларининг қарорлари билан қўйилган расмий номлар бўлган²¹.

Вилояти ҳудудидаги туманларда рус тилидан ўзлашган жой номларининг айримлари сақланиб қолинган, кўпчилиги эса ўзгартирилган. Масалан, Фориш туманидаги зерновой қишлоғи Оқтом номига ўзгартирилган. Ҳозирги пайтда келиб эса бу қишлоқ Бекат²² деб аталади. Ёки аксинча, Галлаорол туманидаги Богарное станцияси номи, Зарбдор туманидаги Ударник қишлоғи номи ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган.

Янги лексемаларга хос ойконимлар. Мустақиллик шарофати билан жой номларига миллий қадриятларнинг ажралмас бўлаги сифатида қаралиб, кўпчилик географик номлар давр талабини акс эттирувчи маҳаллий аҳоли учун тушунарли бўлган содда жой номлари билан алмаштирилди ёки уларнинг тарихий номлари қайта тикланди. Шу билан бирга, истиқлол йилларида кўплаб географик объектларга миллий руҳ бағишлаш мақсадида янги номлар берилди. Бундай топонимлар орасида халқнинг озод ва фаровон турмуши, бахтли ҳаёти, орзу-истаклари ҳамда интилишларини ифодаловчи географик номлар кўпчилини ташкил этади. Жумладан,

Мустақиллик – Бахмал туманидаги маҳалланинг номи бўлиб, ушбу топоним янги лексемага хос ойконимлардан биридир. Мустақиллик ихтиёри ўзида бўлган, тобе, қарам бўлмаган, ўзганинг ёрдамисиз ёки раҳбарлигисиз иш қила олиш деган маънони ифодалайди. Мустақиллик халқнинг келажакка ишонч билан қарай бошлаганини ифодалайдиган жой номидир²³.

Нурафшон – Зарбдор туманидаги маҳалла бўлиб, ушбу топоним янги лексемаларга хос ойконимдир. Мазкур ойконим икки қисмдан иборат: нур+афшон, яъни “нур берувчи” деган маънони ифодалайди. Ойконимнинг ясалиши Зарафшон гидронимига ўхшаб кетади²⁴.

Хулоса қилиб айтганди, Жиззах вилояти ҳудудидаги ойконимлар ҳам ўз ва ўзлашган қатламлар негизида вужудга келиб, улар тизимида туркий ҳамда умумтуркий сўзлардан ясалган микротопонимлар асосий ўринни эгаллаган. Тадқиқот доирасида вилоят ҳудудидаги ойконимларнинг

²¹ Қораев С. Топонимика. – Б. 90.

²² Ҳакимов Қ. М. Жиззах вилояти топонимлари. – Б. 117.

²³ Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Б. 36.

²⁴ Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Б. 38.

ярмидан кўпи умумтуркий сўзлардан ясалганлиги. улар луғавий маънолари жиҳатидан кўпчиликка маълумлиги билан ажралиб туриши аниқланди. Шунингдек, вилоятдаги ўзлашма қатламга мансуб ойконимларга эса сўғд, форс-тожик, мўғул, араб ва русча тиллари лексикасига алоқадор сўзлар воситаларида ясалган жой номлари киради. Бундай жой номлари ҳозиргача вилоятнинг Зомин, Бахмал, Янгиобод, қисман Фориш ва Ғаллаорол туманларида ҳам сақланиб қолинган.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – 431 б.
2. Охунов Н. Ўзбекистон топонимияси. – Қўқон, 2005. – Б. 52.
3. Хромов А. Очерки по топонимии и микротопонимии Таджикистана. – Душанбе: Ирфон, 1975. – 85 с.
4. Ўринбоев Б. Жиззах топонимларининг таъбири. – Самарқанд, 2007. – 80 б.
5. Қораев С. Топонимика. – Тошкент, 2006. – 320 б.
6. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент, 2005. – 240 б..
7. Ҳакимов Қ. М. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах: Сангзор, 2014 – 203 б.